

Энди уммат бирдамлигини олимлар бошқаради



16:30 / 07.11.2018 2783

Шу кунларда Туркиянинг Истанбул шаҳрида Бутунжаҳон ислом уламолари иттифоқининг навбатдаги бешинчи йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

Бутунжаҳон ислом уламолари иттифоқи Бош ассамблеясида нутқ сўзлаган Туркия Дин ишлари раҳбари профессор, доктор Али Эрбош ислом дунёсининг бирлашиши ва уммат бирдамлигини олимлар бошқаришини таъкидлади.

Доктор Али Эрбош бугун жаҳон, айниқса ислом дунёси уруш, қашшоқлик, террор ҳаракатлари, умидсизлик каби улкан муаммолар қамали остида мураккаб ва таҳликали жараёнларни бошдан кечираётгани ҳақида

гапириб, мусулмонларнинг бўлиниши энг катта муаммо эканини таъкидлаб, шундай деди:

- Бу борада ташқи кучлар қўллаган сиёсатнинг ҳиссаси аҳамиятли бўлса-да, мусулмон уммати сифатида, хусусан 2-3 асрдан бери жаҳонда рўй бераётган воқеаларни тўғри тушунмай, таҳлил қилмаслик оқибатида жиддий хатоларга йўл қўйилганини инкор этиб бўлмайди. Афсуски, бунда географик бўлиниш маънавий тарқоқлик билан уйғунлик касб этган. Куч-қувват ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаган ислом дунёси империалистик кучлар ва қийинчиликларга қарши туролмайдиган ҳолга келиб қолди. Бошқа жиҳатдан тартибсизлик ва урушларга ирқ, мазҳаб бўлинишлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, у мавжуд вазиятларга ҳаққоний баҳо бериб, тўғри қарорлар қабул қилиш, ислом уммати бирдамлигини таъминлаш каби вазифаларни адо этиш, шубҳасиз ислом уламоларининг зиммасидаги улкан масъулият эканини таъкидлаб ўтди.

Бу борада олимларнинг бирлашиши, ўзаро фикр алмашиши, муаммоларга биргаликда ечим топишга уриниш, хусусан, ташкилий масалаларда ҳамкорлик қилишлари муҳим аҳамиятга эгалигига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек тадбирда диний асосларга кўра ҳаракат қилиши иддао қилинган, бироқ жамиятда бузғунчилик қилаётган ФЕТО, ИШИД, БОКО, Ҳарам, ал-Қоида каби террорчи ташкилотларнинг мусулмонлар тинчлиги, бирдамлиги ва келажагига салбий таъсир ўтказётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Истанбулда бўлиб ўтаётган мазкур йиғилиш доирасида конференциялар ўтказилиши ва янги раис ҳамда бошқарув аъзолари сайланиши кўзда тутилган. Тадбир пайшанба куни ўз якунига етади.

Islom.uz портали таҳририяти